

Surxondaryo viloyati avtomobil yo'llari
hududiy bosh boshqarmasi

N I Z O M I

I. Умумий коидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4954-сон Фармонига асосан тугатилаётган Автомобиль йўллари куриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси (“Ўзвотойўл” ДАК) негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил этилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-2776-сон қарорига мувофиқ Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси (кейинги ўринларда - “Бош бошқарма”) Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкилий тузилмасига киритилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда - “Муассис”) 2017 йил 29 марта 06-сонли буйруғига асосан ташкил этилган.

3. Ушбу Низом Бош бошқарманинг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳукуқлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

4. Бош бошқарманинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида - Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси (қисқартмаси - Сурхондарё вилояти АИХББ);
рус тилида - Территориальное главное управление по автомобильным дорогам Сурхандарьинской области (қисқартмаси - ТГУАД Сурхандарьинской области).

5. Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси - “Сурхондарёавтойўл” худудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг ҳукукий вориси хисобланади.

6. Бош бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Муассиснинг қарорлари, фармойишлари ва буйрукларига, мазкур Низомга ҳамда соҳага оид бошқа қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Бош бошқарма ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Муассисга буйсунади.

7. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Бош бошқарманинг Муассиси хисобланади.

8. Бош бошқарма ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият

органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

9. Бош бошқарма Сурхондарё вилоятидаги автомобиль йўлларини давлат томонидан бошқарадиган маҳсус ваколатли идора бўлиб ҳисобланади ва вилоят ҳудудидаги автомобиль йўллари соҳасида Муассиснинг ягона техника сиёсатини олиб боради.

10. Бош бошқарма таркибига вилоят ҳудудида жойлашган туман йўллардан фойдаланиш унитар корхоналари, кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси, йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхоналари, давлат унитар корхона шаклидаги минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати, унитар корхона шаклидаги минтакавий автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар ҳамда Муассис томонидан ўрнатилган тартибда янги ташкил этиладиган корхона ва ташкилотлар киради.

Бош бошқарма таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик мустакиллигини ва юридик шахе мақомини саклаб қоладилар.

11. Бош бошқармани саклаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Республика йўл жамғармаси маблатлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Бош бошқарма давлат рўйхатидан ўtkазилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

13. Бош бошқарма Низомига ўзгартиришлар Муассиснинг қарорига асосан киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан утказилади.

14. Бош бошқарма юридик шахс ҳисобланади, думалоқ муҳрга ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз номи давлат тилида ёзилган бланкаларга, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида ҳамда банкларда хисоб ракамларига, шунингдек хорижий валюта хисоб ракамига эга бўлади.

15. Бош бошқарма қонун хужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

16. Бош бошқарма бошқа корхона ва ташкилотларнинг Муассиси бўлишга ҳакли эмас.

17. Бош бошқарманинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Термиз шахри, Олмазор кўчаси, 42- уй.

II. Бош бошқарманинг асосий вазифалари

18. Бош бошқарманинг асосий вазифалари:
вилоят ҳудудида автомобиль йўллари соҳасида Муассиснинг ягона техник сиёсатини олиб бориш;

вилоят автомобиль йўлларини ривожлантириш давлат дастурлари лойихаларини ишлаб чиқиш ва Муассисга киритиш ҳамда тасдиқланган давлат дастурларини амалга ошириш;

вилоят автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш юзасидан Муассисга таклифлар киритиш;

вилоят ҳудудидан ўтадиган автомобиль йўлларининг халқаро транзит йўлакларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Муассисга киритиш;

замонавий транспорт оқими шароитларида автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларидан фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этилишини таъминлаш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини саклаш, жорий таъмирлаш, табиий оғат оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда жихозлаш (техника, машина-механизмлар, технологик усқуналарни харид қилиш) ишлари бўйича буюртмачилик вазифасини амалга ошириш ҳамда сифати устидан назоратни олиб бориш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шахарлар, шахар посёлкалари, қишлоқлар ва огуллар кўчаларини лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини мувофиқлаштириш;

илмий-тадқикот ишларини ташкил этиш, автомобиль Йўлларини лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва саклаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, ўкув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш.

19. Бош бошқарма ўзига юклangan вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва саклаш борасида техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш ва саклашда участкаларда харакат хавфсизлигини таъминлашга йуналтирилган тадбирларни амалга ошириш;

Йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида автотранспорт воситалари харакатини вақтинча чеклаш ёки тухтатишни жорий этиш бўйича тегишли таклифлар киритиш;

Бош бошқарма таркибидаги корхона ва ташкилотлардаги сафарбарлик тайёргарлиги бўйича улар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш; автомобиль йўллари, шахарлар ва бошқа ахоли пунктлари кучаларининг ҳисобини юритиш;

автомобиль йўлларининг техник холатига қараб автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашнинг ҳар йилги дастурларини шакллантириш бўйича Муассисга таклифлар киритиш ва тасдиқланган дастурларни амалга ошириш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шахарлар, шахар посёлкалари, қишлоқлар ва огуллар кучаларини таъмирлашнинг ҳар йилги

дастурларини урнатилган тартибда шакллантириш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

вилоят автомобиль йўллари рўйхатини шакллантириш юзасидан Муассисга таклифлар киритиш;

вилоят автомобиль йўллари тармогини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

таркибидаги корхона ва ташкилотлар фаолияти мониторингини олиб бориш ва иктисодий тахлил қилиш, шунингдек таркибидаги корхона ва ташкилотларда молия-хўжалик фаолиятини ва мол-мулқдан фойдаланишини текшириш;

кулай ва хавфсиз харакатни таъминлаш учуй автомобиль йўлларидан фойдаланиш, автомобиль йўлларидан фойдаланишда йўл харакати хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар органлари билан узаро ҳамкорлик қилиш;

фукароларни кабул қилишни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари ўз вактида ва тўлиқ куриб чиқилишини таъминлаш, улар бўйича қарорлар кабул қилиш ва ариза берувчilarга қонун хужжатларида белгиланган муддатда жавоблар юбориш;

вилоят умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини саклаш, жорий таъмирлаш, табиий оғат оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда жихозлаш (техника, машина-механизмлар, технологик ускуналарни харид қилиш) ишлари бўйича буюртмачилик вазифасини амалга ошириш ҳамда сифати устидан назоратни олиб бориш;

вилоят ҳудудидаги хўжаликларо қишлоқ автомобиль йўлларининг, шахарлар, шахар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кучаларини лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини мувофиқлаштириш;

вилоят умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва саклаш устидан техник кузатиш;

вилоят умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини саклаш ва жорий таъмирлашда қулланадиган йўл-курилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларнинг сифати устидан назорат қилиш;

вилоят ҳудудидаги хўжаликларо қишлоқ автомобиль йўллари, шахарлар, шахар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кучалари тармогини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан шахарлар ва туманларнинг бош режаларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;

автомобиль йўллари соҳасида техник жихатдан тартибга солиш борасидаги норматив хужжатларни ишлаб чиқиши ва такомиллаштириш бўйича Муассисга таклифлар киритиш;

автомобиль йўллари соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатлар лойихаларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;

автомобиль йўлларини лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва саклаш соҳасида илмий-тадқикот ишларини ташкил этиш ва олиб бориш;

йўл қурилишини прогнозлаштириш, мувофиқлаштириш ва амалга оширишнинг замонавий усуллари талабларига мувофиқ автомобиль йўллари соҳасида малакали кадрлар тайёрланишини, кайта тайёрланишини таъминлаш;

ўқувчilarнинг олинган назарий билимларини ишлаб чиқариш амалиётида мустажкамлаш максадида соҳага оид таълим муассасалари билан узаро ҳамкорлик қилиш;

вилоят ҳудудидаги хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шахарлар, шахар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кучаларининг мавжуд тармогини таъмиrlаш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилган холда йўл таъмиrlаш ишлари манзил руйхатларини ишлаб чиқиш ва куриб чиқиш учун Муассисга киритиш;

ишлаб чиқаришни техникавий ва ашёвий таъминоти, аник иш бажарувчини танлаш, иш хаки тулашни урнатилган тартиб ва усусларни куллаш, ишчи хизматчиларни ижтимоий химоялаш, шунингдек атроф-мухитни муҳофаза қилиш талабларини бажарилишини ва табиий ресурслардан окилона фойдаланишни назорат қилиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмиrlаш ва саклаш ишлари маблагларидан самарали фойдаланиш ва уларни автомобиль йўлларининг аҳамияти бўйича амалдаги қонунчилик талаблари асосида йуналтириш ишларини мувофиқлаштириш.

III. Муассиснинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

20. Муассис қонун хужжатларида белгиланган тартибда куйидаги ҳукуқларга эта:

Бош бошқарма фаолиятининг максади, вазифалари, функциялари, предмета, турларини белгилаш;

Бош бошқарма Низомини тасдиқлаш, унта ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш;

Бош бошқарма бошлигини ўрнатилган тартибда тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилиш;

Бош бошқармани кайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини узгартириш тўғрисида қарорлар кабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Бош бошқарма мулкига оид битишувларни хакикий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Бош бошқарманинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган максадда фойдаланилмаётган мулкини урнатилган тартибда олиб куиши ва уларни тасарруф этиш;

Бош бошқарма ва унинг таркибидаги корхона ва ташкилотлар бошқарув аппарата ташкилий тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида узгартиришлар киритиш;

Етказилган заарларни ундириш тўғрисида Бош бошқарма бошлиги ҳамда Бош бошқарма таркибидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан судларга даъво тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назар да тутилган барча ҳукуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

21. Муассис куйидагиларга мажбур:

Бош бошқарма бошлигини уртатилган тартибда тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ Бош бошқарма бошлиги билан меҳнат шартномасини тузиш;

Бош бошқармага берилган мулкдан максадли фойдаланишини ва сакланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

IV. Бош бошқарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

22. Бош бошқарма қонун хужжатларида белгиланган тартибда куйидаги ҳуқуқларга эга:

вилоят Ўйларни ошиши ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган давлат бошқарув идораларига таклифлар, фикр-мулохазалар киритиш;

мехнат унумдорлигини ошиши ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган мехнатта хак тулашнинг турли шаклларини куллаш;

мехнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш масалаларини хал қилиш, давлат органлари, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар билан узаро муносабатларда Бош бошқарма таркибига киравчи корхона ва ташкилотлар манфаатларини химоя килувчи вакил бўлиш;

таркибига киравчи корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган соф фойдалари ҳисобидан Муассис билан келишилган холда марказлашган жамғармалар ташкил қилиш, ҳамда Муассиснинг марказлашган жамтармасига ушбу корхона ва ташкилотларнинг соф фойдаси ҳисобидан (Узбекистан Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 9 июндаги 149-сонли қарори билан белгиланган зарурӣ фойда микдори бундан мустасно) урнатилган ажратмаларни (туловларни) йитиб марказлашган холда тулаш;

Ўзбекистан Республикаси қонунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

23. Бош бошқарма бошлити Бош бошқарманинг яккабошчилик тартибida фаолият юритувчи ижрочи раҳбари хисобланади ва Бош бошқарма олдига хуйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, хусусан Бош бошқарма номидан ишончномасиз фаолият курсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди. Бош бошқарма номидан битимларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга кабул қиласди, улар билан мехнат шартномаларини тузади, уларни узгартиради ва бекор қиласди, буйруклар чикаради ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

24. Бош бошқарма бошлити Бош бошқармага юклangan вазифа ва функцияларга мувофиқ Бош бошқарма фаолиятининг ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради.

25. Бош бошқарма бошлити Бош бошқарма ходимларининг штат жадвали бўйича сони, уларнинг лавозим тариф разрядлари ва иш хаки мивдорларини Муассис билан келишилган холда тасдиқлайди.

26. Бош бошқарма бошлити Муассис олдида ушбу Низомда белгиланган тартибда Бош бошқарма фаолияти тўғрисида хисоб беради.

27. Бош бошқарма бошлити ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Бош бошқарма ва унинг таркибидаги корхона ва

ташкilotлар манфаатларини кузлаб харакат қилади, бюджет ва бюджетдан ташкари фонdlарга мажбурий туловларни, иш хаки ни уз вактида туланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан, уларга тенглаштирилган туловлардан келиб чикадиган барча талабларнинг кондирилиши, Бош бошқарманинг ишлаб чикариш фаолияти билан бевосита бөглик булган эхтиёжлар учун пул маблагларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг харакати (харакатсизлиги) туфайли, шу жумладан Бош бошқармага берилган мол-мулкларнинг тўлиқ сакланиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

28. Бош бошқарма уз таркибидаги корхона ва ташкilotлар томонидан бюджет ва бюджетдан ташкари максадли жамғармаларга туловларнинг, корхона ва ташкilotлардаги ишчи-ходимларнинг иш хаки ва унта тенглаштирилган туловларни уз муддатида амалга оширилишини ташкиллаштириш учун шахсан жавобгар хисобланади.

Шунингдек, Бош бошқарма уз таркибидаги корхона ва ташкilotларнинг молиявий-иктисодий курсаткичларини тўлиқ мониторингини юритади, дебитор ва кредитор карздорликларнинг ошишига, корхона ва ташкilotлар томонидан асосиз харажатларга Йўл куйилмаслиги бўйича шахсан жавобгар хисобланади.

29. Бош бошқарма куйидагиларга мажбур:

вилоят ҳудудидаги автомобиль Йўлларининг соз холатини, уларда транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавфсиз юришини таъминлаш чораларини куришга;

вилоят ҳудудидаги автомобиль Йўллари сифатли ва уз вактида жорий таъмирланиши ва сакланишини таъминлашга;

таркибидаги корхона ва ташkilotлар томонидан молиявий маблаглар, энергия ресурслари, ишлаб чикариш кувватлари ва Йўл-курилиш техникасидан самарали фойдаланишини ташкил этишга;

Бош бошқармага берилган мулқдан максадли фойдаланиши ва сакланиши, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилишга;

Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонунчилигига катъий равишда риоя қилишга.

V. Бош бошқарманинг жавобгарлиги

30. Бош бошқарма уз мажбуриятлари бўйича узига тегишли мулк билан жавоб беради. Бош бошқарма Муассис ва Бош бошқарма таркибидаги корхона ва ташkilotларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Муассис Бош бошқарма ва унинг таркибидаги корхона ва ташkilotларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

VI. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш

31. Бош бошқармани Муассис томонидан урнатилган тартибда тайинланган бошлик бошқаради. Бош бошқарма бошлиги ўринбосари, бош мухандиси ва бош хисобчиси Муассис билан келишилган холда Бош бошқарма бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

32. Бош бошқарма хисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий

хисоботни ва рўйхати қонун хужжатларида белгиланган бошқа хужжатларни тақдим этади, ҳамда хужжатларнинг сакланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан саклашга берилиши учун жавоб беради.

33. Бош бошқарма хисобот даври (чораклик, йиллик) якуни бўйича узининг ва таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг йигма баланс, молиявий ва бухгалтерия хисоботларини Муассисга урнатилган тартибда топширади. Бош бошқарма уз таркибидаги корхона ва ташкилотлар балансларининг тўлиқлигини назорат қиласди ва хакконийлигига жавоб беради ҳамда ушбу масалалар учун масъул ва жавобгар хисобланади.

34. Бош бошқарма фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

35. Бош бошқарма мулки давлат мулки хисобланади, ҳамда:
Муассис томонидан Бош бошқармага бириткирилган (берилган) мулк;
Бош бошқарманинг уз фаолиятидан олинган даромадлари ҳамда қонун хужжатларига зид булмаган бошқа манбаалар ҳисобига шакллантирилади;
Бош бошқарма мулкининг киймати унинг мустакил балансида акс эттирилади.

36. Бош бошқарма мулки булинмас мулк хисобланади.

37. Бош бошқарма мулкини тасарруф этиш куйидаги холларда Бош бошқарма бошлиги томонидан факат Муассис билан келишган холда амалга оширилади:
асосий воситаларни балансдан чиқариш, сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;
мулкни бошқа хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида кушиш;
мулкни Бош бошқарма фаолияти максадларига мувофиқ булмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

VII. Бош бошқармани кайта ташкил этиш ва тугатиши

38. Бош бошқарма Муассис қарори билан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан кайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

VIII. Яқуний коидалар

39. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар Узбекистан Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда хал килинади.

40. Низом амалдаги қонунга мувофиқ руйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

Бош бошқарма бошлиги _____